

АСРОР МЎМИН

ШИРИН ОЛМА



АСРОР МЎМИН

ШИРИН ОЛМА

Шеър ва таржималар

Қайта тўлдирилган нашр

«ТАФАККУР» нашриёти
ТОШКЕНТ – 2013

УДК: 821.512 133-1

84 (5Ў)6

M99

Мўмин, Асрор.

Ширин олма: Шеър ва таржималар / А.Мўмин. –
Т.: Tafakkur, 2013. – 112 б.

ББК 84(5Ў)6

Дунёда буюк шоирлар кўп, шеърлар кўп. Лекин ҳар бир шоирнинг ўз мавзуси, ўз йўли бор, ҳар бир шеърнинг ўз оҳанрабоси бўлади. Ўйлаймизки, мазкур китобга жамланган шоирнинг янги шеърлари сиздай талабчан китобхонларнинг меҳрини қозонади. Ишончимиз комил, сиз ҳам дунёга машҳур шоирлар – Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Роберт Рождественский, Давид Қуғултинов ва Николай Добронравов сара шеърларининг ўзбекча таржималарини мароқ билан ўқиб чиқасиз.

ISBN 978-9943-24-028-5

© АСРОР МЎМИН

© «ТАФАККУР» нашриёти, 2013

ШУКРОНА

1

Дунёда шириндан ширин жонимни,
Яратганинг учун беадад шукур.
Чаман айлаб ҳаёт гулистонимни,
Яйратганинг учун беадад шукур.

Камалак рангидай атроф жилоли,
Кўзим қамаштирар гўзал жамоли,
Севги навосини булбул мисоли,
Сайратганинг учун беадад шукур.

Агар киши айтса айтар сўзини,
Бахтиёр сезаркан чиндан ўзини.
Бир лаҳза мен томон оху кўзини,
Қаратганинг учун беадад шукур.

Ҳар қалай, ичимда қолмади розим,
Бўлди ўз баҳорим, бўлди ўз ёзим,
Жавобсиз кетса ҳам ўтинч овозим,
Таратганинг учун беадад шукур.

2

Ҳайратланиб боқдим гўзал дунёга,
Майсадай интилдим нурга, зиёга,
Баъзида зор бўлсам меҳригиёга,
Шукур, иноятинг тутмадинг дариғ.

Эсим кирган кундан юрмайн огоҳ,
Неча бор деворга урилдим ногоҳ,
Атрофга жавдираб ташласам нигоҳ,
Шукур, иноятинг тутмадинг дариғ.

Ишқ олдида мағрур бошимни эгдим,
Ширинимсан дея Фарҳоддай севдим,
Ҳижрон саҳросида ҳушимга келдим,
Шукур, иноятинг тутмадинг дариғ.

Олқадим, билмасам недир эҳтиёж,
Оғринмай мушкулга изладим илож,
Яна ўзинг бердинг ишимга ривож,
Шукур, иноятинг тутмадинг дариғ.

3

Кўрдим туну кундек икки асрни,
Кўрдим некбин зоту қанча басирни,
Кўрдим аччиқ ҳижрон, ширин васлни,
Шукур, кўрдим боқий баҳор фаслни.

Ҳурлик ҳавосидан оляпман нафас,
Қалбимда жўш урар яшашга ҳавас,
Юртим чиройидан яйрайман сармаст,
Шукур, кўрдим боқий баҳор фаслни.

Озодлик орзуим бўлди ижобат,
Бўй чўзмоқда бобо мерос қадрият,
Йўлларда маёқдир илму маърифат,
Шукур, кўрдим боқий баҳор фаслни.

Энди бу дунёда йўқдир армоним,
Кўз ўнгимда гуллар Ўзбекистоним,
Корига баҳшида жону жаҳоним,
Шукур, кўрдим боқий баҳор фаслни.

БУЮК ЎЗБЕКИСТОН

Ер юзида миллат кўп,
Зўрмиз деган давлат кўп,
Бир ўлка бор гўзал хўб,
Дунёга донғи дoston,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Мирза эрур чўллари,
Орол эрур кўллари,
Ипак эрур йўллари,
Дунёга донғи дoston,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Дарёлари Зарафшон,
Тоғларида олтин кон,
Кўкатлари тутар дон,
Дунёга донғи дoston,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Тошкент тенгсиз, ягона,
Ҳатто кенти Афсона,
Самарқанддай афсона,
Дунёга донғи дoston,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Кулди толе куёши,
Бўлди оқил Юртбоши,
Розидир кекса-ёши,
Дунёга донғи дoston,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Эзгудир ўй, сўз, иши,
Осойишта турмуши,
Ҳумодир иқбол қуши,
Дунёга донғи дoston,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Олдда ойдин манзиллар,
Пойида унар гуллар,
Васфин куйлар булбуллар,
Дунёга донғи дoston,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

МЕН ДАРАХТМАН

Мен дарахтман, теран томир-илдизим!
Мен жонзод эмасман, юрмасман кўчиб,
Балиқ бўлиб сувга урмасман ўзим,
Қуш бўлиб осмонга кетмасман учиб.

Мен дарахтман, теран томир-илдизим!
Шу тупроқда ундим, шунда ўсарман.
Бордир ўз баҳорим, бордир ўз кузим,
Тоғларга таянчман, елни тўсарман.

Мен дарахтман, теран томир-илдизим!
Ҳаёт бу – бошимни қоплайди зулмат.
Ва лекин тонг отар, келар кундузим,
Қуёшга бўй чўзиб ростлайман қомат.

Мен дарахтман, теран томир-илдизим!
Йиллар сўлдиргунча тикка турурман.
Тепамда чарақлаб чорлар юлдузим,
Бир кун унга қараб унсиз қурирман.

МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ

Ҳазрат Одам Ато излаган бўстон,
Муқаддас «Авесто» яралган макон,
Расул дўсти Увайс айлаган ошён,
Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!

«Осор ал-боқия» қувнатар кўзинг,
«Ал-Қонун» измингда ҳакимсан ўзинг,
«Луғатит турк» сабаб сарбаланд сўзинг,
Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!

Қанча асрларни бедор кузатдинг,
Амир Темур бўлиб юртни тузатдинг,
Ойдин келажакка қўлинг узатдинг,
Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!

Илқингдан эрк учди, талаш бор-йўғинг,
Ўчирмоқ исташди ўчоқда чўғинг,
Ўша кез туғилди нажоткор ўғлинг,
Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!

Минг шукур, бўй берди шу ниҳолингга,
Қутлуғ кун эришдинг Истиқлолингга,
Пояндоз тўшалди истиқболингга,
Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!

ОТА-ЎЗБЕКИСТОН

Алп йигитдай ўқтамсиз, ота-Ўзбекистоним,
Илойим, кўз тегмасин пишиқ зувалангизга.
Андаккина дам олинг, қайнагунча қозоним,
Зилол сув қуйиб берай Орол пиёлангизга.

Тангритоғ болишингиз оёқ чўзиб ёнбошланг,
Аму билан Сир ўтган томирингиз силайин.
Бир пиёла чой ичиб авжи гурунгни бошланг,
Қамишдан белбоғ боғлаб хизматингиз қилайин.

Тобакай тепамизда офтоб сочаркан зиё,
Кипригимда асрайман бобомерос боғингиз.
Қақраган саҳронгиз ҳам кўзларимга тўтиё,
Дунёга алишмасман бир сиқим тупроғингиз.

Озодлик ясоғи бу: мардниги энди майдон,
Далангизда гуллагай орзуларнинг лоласи.
Бепоён чўлингизда безавол яйрар жайрон,
Қояларга тўкилмас сорларингиз жоласи.

Бомдоддан хуфтонгача тилимда шу илтижо:
Яратган ўзи бизни балолардан сақласин.
Насибаси қўшилган эҳтиром айлаб бажо,
Иссиқ-совуқ кунларда тузимизни оқласин.

Иқбол сари етакланг, ота-Ўзбекистоним,
Тамаддун йўлларида қайрилмасин шахтимиз.
Элимиз тинчлигига паноҳ бўлсин осмоним,
Қаторимиз беҳато, бутун бўлсин бахтимиз.

ЮРТИМ

Бу дунёда бор экан бахтим,
Сенда ўсмиш ҳаёт дарахтим.
Шукур қилиб ибодат вақтим,
Ёлғиз сенга юкундим, юртим!

Тотли севинч майини ичдим,
Қанот боғлаб самога учдим,
Яна азиз тупроғинг қучдим,
Ёлғиз сенга юкундим, юртим!

Эрта кетди энг яқин кишим,
Эрта тўзди ширин турмушим,
Қўйганимча тишимга тишим,
Ёлғиз сенга юкундим, юртим!

Гох деворга урилар бошим,
Гох синовдан ўтар бардошим,
Оғир дамда содиқ сирдошим,
Ёлғиз сенга юкундим, юртим!

Макка фарзи кирар тушимга,
Рим макондир хаёл қушимга,
Эрк бермайин ақли хушимга,
Ёлғиз сенга юкундим, юртим!

Ўтган кунлар энди хотирот,
Юртим бўлмиш озод ва обод.
Қалб уйимда орзулар қушод,
Ёлғиз сенга юкундим, юртим!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/1303> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/1303> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1303>